

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Х У К М

2022 йил июнь ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Э.Абдуллаевнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари: 1.А.Вахабов, 2.К.Ишановлардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси З.Қўлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Дадабоев, ҳимоячи адвокат К.Улухўжаев, Б.Имомов, судланувчи Н.Жўрабоев ва И.Дедабаевларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган Жўрабоев Неъматилла Рахматиллаевич ва Дедабаев Исмоил Қодировичларни айблаш ҳақидаги 1-1610-2201/82-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Жўрабоев Неъматилла Рахматиллаевич, 05.05.1990 йил куни Уйчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилалик, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам 24.01.2017 йил кунги жиноят ишлари бўйича Уйчи туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, шу ҳукм билан тайинланган жазо 12.10.2016 йил кунги амнистия актининг 6-банди “а” кичик бандига асосан учдан бир қисмига қисқартирилган, жазодан 06.12.2017 йил кунги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5275-сонли сонли фармонига асосан озод қилинган, ЖК 78-моддасига асосан судланганлик муддати тугалланган, Наманган вилояти, Уйчи тумани Кесканёр МФЙ Мевазор кўчаси 26 уйда яшайди, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 28.02.2022 йил куни олган.

Судланувчи Дедабаев Исмоил Қодирович, 28.02.1988 йил куни Уйчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Наманган вилояти, Уйчи тумани Кесканёр МФЙ Сохил кўчасида яшайди, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 28.02.2022 йил куни олган.

Суд ҳайъати, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш бўйича тарафлар музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



## АНИҚЛАДИ

Судланувчи Н.Жўрабоев 2022 йил 8 февраль куни соат 20:00ларда, тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан (ишни уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, умумий қиймати 96.400.000 сўмлик кўп миқдордаги 8.500 қутида бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND Cherry Superslim” номли тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида, Уйчи тумани, Бирлашкан қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл ёқасидан ўзига тегишли бўлган “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинасига юклаб, моддий манфаат эвазига Уйчи тумани орқали Чортоқ туманига етказиб бериш мақсадида олиб кетаётган вақтида, Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙ ҳудудидан ўткан ички йўлда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ушланиб, жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, охирига етказа олмасдан жиноят содир қилишга суиқасд қилган.

Судланувчи И.Дедабаев, 2022 йил 8 февраль куни соат 20:00ларда, тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан (ишни уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, ўзининг бошқарувида бўлган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинасига юклаб, Уйчи тумани, Бирлашкан қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл ёқасидан умумий қиймати 140.000.000 сўмлик кўп миқдордаги 16.000 қути “MILANO London” номли, 1.500 қути “MILANO Tech Lok” номли тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида, моддий манфаат эвазига Уйчи тумани орқали Чортоқ туманига етказиб бериш мақсадида олиб кетаётган вақтида, Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙ ҳудудидан ўткан ички йўлда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ушланиб, жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмасдан жиноят содир қилишга суиқасд қилган.

Судланувчи И.Дедабаев судда, айбига қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 8 февраль куни у автомашинада Уйчи тумани Бирлашкан қишлоғида жойлашган мева боғига дарахатлари новдаларини буташ учун чиқиб ишларни қилаётган вақтида соат 18:00лардан ўтганидан унга нотаниш бўлган бир фуқаро келиб, юклар борлигини, автомашинасида юкларни Чортоқ туманидан ўтган янги йўлга олиб бориб беришлигини, 300.000 сўм миқдордаги пулларни беришлигини, манзилга етиб борганидан сўнг яна унга йўл ҳаққи учун кутиб олган шахс яна 100.000 сўм миқдордаги пулларни қўшиб жами 400.000 сўм миқдордаги пулларни беришлигини айтганлигини, шунда у пулга қийналиб турганлиги сабабли рози бўлганлигини, шундан сўнг у Дамас автомашинасини бошқариб, у одам айтган жойга яни Уйчи тумани Бирлашамол қишлоғини йўлидан ўткан чап томонга кетиш учун мулжалланган ички йўлга кирганлигини, нотаниш фуқаро юкларни кўрсатиб, автомашинани юкларни олдига тўхтатишни айтганлигини, шунда у нотаниш бола бирга юкларни автомашинасига



юклашганлигини, у юк юклаган жой чегарадан тахминан 12-13 километрлар узоқда жойлашган ер бўлганлигини, шундан сўнг ўша нотаниш бола уни телефон рақамини олиб манзилга етиб борганидан сўнг вақтни ҳисоблаб ўзи қўнғироқ қилишлигини, юкни эгасини танимаслигини, уни кутиб олишлигини айтганлигини, лекин у юкларни қаердан келганлигини, улар кимга тегишли эканлигини билмаслигини, у одам уни телефон номерини ўзи ёзиб олганлигини, унга ўзини ва юкни олиб қолувчини телефон номерини бермаганлигини, у янглишмаса автомашинасига 32 каропка юк юклаганлигини, у бу ишини қонунга ҳилофлигини билмаганлигини, автомашинага юкни у ва нотаниш юк эгаси бирга юклаганлигини, у нотаниш болага тегишли бўлган у буютма берган жойдаги ҳамма юкни юклаганлигини, у юклаган жойда бошқа юк қолмаганлигини, у автомашинасида Уйчи туманидан ўтиб Чортоқ туманига ўтиб Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙдан ўтган ички йўл орқали ҳаракатланиб кетаётган вақтида, ички йўл тўсиқ ҳолатга келганлигини, шу вақт бирданига фуқаролар кийимида бўлган ИИБ ва ДХХ ходимлари келиб автомашинани кўздан кечириб, туман ИИБ бўлимига олиб келиб, холислар иштирокида автомашина кўздан кечиришган вақтда автомашинани ички қисмида бўлган 16.000 қути “MILANO London” номли тамаки ҳамда 1.500 қути “MILANO TECH LOK” номли тамакиларни ашёвий далил тариқасида олишганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, у судланувчи Н.Жўрабоев билан тил бириктирмаганлигини, у юкларни бир жойдан ва бир кишидан юклашмаганлигини, чунки у судланувчи Н.Жўрабоевни ўша куни ИИБда кўрганлигини, юк юклашда ва ундан олдин у судланувчи Н.Жўрабоев билан шу куни бир жойдан бирга номаълум шахс билан тил бириктирмаганликларини, у ўша куни боғида бўлганлигини, нотаниш бола келиб, буюртма берганлиги сабабли уни юкларини у бола билан бирга юклаб, уни буюртмасига асосан у айтган жойга олиб бораётган бўлганлигини, шунда ушлаб олишганлигини, у ўша куни судланувчи Н.Жўрабоев билан тил бириктирмаганлигини, чунки у ўша куни судланувчи Н.Жўрабоев билан ИИБда кўришганлигини, уни ҳам тамаки ташиб кетаётган вақтида ушлаб олишганлигини билганлигини, буни тергов даврида ҳам айтганлигини, лекин бунга ҳеч ким қулоқ солмаётганлигини, чунки у ўзига буюртма берган одамни ҳамма юкларни юклаб олиб кетган бўлганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, уч нафар фарзанди ва қари онаси борлигини, оилада ундан бошқа боқувчи йўқлигини, суддан оилавий шароити ва моддий аҳволини, йўл кира ҳаққи эвазига шу ишни қилиб, жиноят содир қилиб қўйганлигини айтиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Н.Жўрабоев суд муҳокамасида, айбига қисман иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам у автомашинасида Уйчи туманида жойлашган “Уйчи-Бирлашкан-Шўрқишлоқ” йўналиши бўйича фуқароларни ташиш билан шуғилланиб келишлигини, 2022 йил 8 февраль куни ўзига тегишли бўлган автомашинада Уйчи туманида жойлашган “Бирлашкан” қишлоғи чоррахасида фуқароларни кутиб турган вақтида, унга нотаниш



бўлган бир нафар фуқаро келиб, автомашинани олд ўриндиғига, икки нафар фуқаро эса автомашинани ўрта ўриндиғига ўтиришганлигини, олд ўриндиғига чиққан фуқаро унга Бирлашкан қишлоғи йўлида юклари борлигини, юкларини автомашинасида олиб бориб беришлигини сўраганлигини, йўл ҳаққи учун пулларни беришлигини айтганлигини, у рози бўлганлигини, у темир йўл яқинини келган вақтида, у одам автомашинасидан тушиб қолиб, йўловчиларини ташлаб келишлигини айтганлигини, шундан сўнг йўловчиларини манзилига ташлаб нотаниш одам айтган жойга қайтиб келганлигини, у ушбу ички йўлга кирган вақтида, ушбу ички йўлдан “Дамас” русумли автомашинасини чиқиб кетаётганлигини кўрганлигини, лекин уни кимлигини, у ерда нима қилиб юрганлигини билмаганлигини, у ички йўлни четида каропкада юklar турганлигини кўрганлигини, унга буюртма берган нотаниш одам юкларни кўрсатиб, автомашинани юкларни олдига тўхтатиш кераклигини айтганлигини, шунда уни автомашинасига ўша икки нафар нотаниш бири унга буюртма берган одам юкларни автомашинасига юклаб берганлигини, шунда уларга юкларни ортиб бўлишганидан сўнг йўл ҳаққи учун қанча миқдоридаги пулларни беришлигини сўраган вақтида, у унга юкларни Чортоқ туманидаги “Аждар” номли ошхонани олдида ўтган масжидни олдида одам қараб турганлигини, уни олдида борса унга юкларни кутиб турган фуқаро кутиб олиб юкларни олиб бориб берганлиги учун йўл ҳаққи беришлигини айтганлигини, кейин у автомашинасида Уйчи туманидан ўтиб Чортоқ туманига ўтиб Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙдан ўтган ички йўл орқали ҳаракатланиб кетаётган вақтида, ички йўл тўсиқ ҳолда бир Дамас автомашина йўлни беркитиб қўйганлигини кўрганлигини, шунда бирданига фуқаролар кийимида бўлган ИИБ ва ДХХ ходимлари келиб туман ИИБ бўлимига олиб келиб, холислар иштирокида автомашина ички қисмида бўлган 8.500 қути бўлган 8.500 почкада бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND CHERRY SUPERSLIM” номли тамакиларни ашёвий далил тариқасида олишганлигини, ҳақиқатдан юкларни нотаниш одамлар юклаётган вақтида каропкадаги Милано ёзувига кўзи тушганлигини, лекин бунга эътибор бермаганлигини, ичидаги нарсалар нима эканлигига қизиқмаганлигини, у судланувчи И.Дедабаев билан ўша куни тил бириктирмаганлигини, бир-бирларидан беҳабар юкларни айтилган манзилга олиб боришганлигини, улар бир-бирларини ИИБда кўришганлигини, буни терговда ҳам айтиб эътироз билдирганлигини, лекин ҳеч ким бунга қулоқ солмаётганлигини, нотаниш одамни танимаслигини, лекин кўрса танишлиги мумкинлигини, оилавий шароити туфайли йўл кира учун шу ишни қилиб қўйганлигини, буни жиноят эканлигини билмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи И.Дедабаев ва Н.Жўрабоевлар айбига қисман иқроп бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан исботланади.

Гувоҳ А.Юсупов судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашлигини, 2022 йил 08 февраль куни, у Чортоқ тумани ИИБ



бўлими ёнидан ўтиб кетаётган вақтида, ИИБ ходимлари келиб, ишда холис сифатида иштирок этиб беришликни сўрашганлигини, у рози бўлганлигини, шундан сўнг улар ИИБ биносига киришганлигини, у ерда “Дамас” автомашиналарини кўрганлигини, сигаретлар машиналарни ёнига тушурилган ҳолатда кўрганлигини, улар санашда иштирок этганлигини, ҳолат видеотасвирга олинганлигини, улар икки соатча ўша ерда бўлишганлигини, ҳолат кечки пайт бўлганлигини, шу ҳолатга холис сифатида қатнашганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Юсупов судда, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлашлигини, 2022 йил 08 февраль куни кечки пайт, Чортоқ тумани ИИБ бўлими ёнидан ўтиб кетаётган вақтида, ИИБ ходимлари келиб, бир ишда холис сифатида қатнашишларини сўрашганлигини, у рози бўлганлигини, у иккита “Дамас” машинасидан юклар пастга туширилган ҳолатда алоҳида-алоҳида турганлигини кўрганлигини, судланувчиларни кўрмаганлигини, санокда у холис сифатида иштирок этганлигини, кейин ўша куни судланувчини кўрганлигини, у Бирлашгандан тамаки маҳсулотларини кира ҳақи эвазига олиб келаётганлигини айтганлигини, ҳолат видеотасвирга олинганлигини айтиб, шу ишда холис сифатида қатнашганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Дедабаева судда, ҳақиқатдан ҳам судланувчи И.Дедабаев уни фарзанди бўлишлигини, оилада у ва келини ҳамда уч нафар невараси билан ҳозирда қолиб кетишганлигини, судланувчи И.Дедабаев уларни ягона боқувчилари эканлигини, турмуш ўртоғи йўқлигини, ёшлиқдан фарзандини ўзи катта қилиб тарбиялаб келганлигини, ҳозирда оиласида боқувчи қолмаганлигини, узоқ йиллар давомида ўзи оиласида ҳайвон боқиб автомашинани ўзининг номига олганлигини, автомашина уники эканлигини, ҳозирда у нафақада ва меҳнатга яроқсизлигини, сабаби 2011 йилда буйрагини олдириб ташлаганлигини, яримжон бўлиб қолганлигини, шу автомашинани ижарага бериб ва бошқа ҳолатлар билан оилаларини тебратиб келаётган бўлганлигини, ўғли қамалиб кетса уларни бошқа боқувчиси қолмаслигини, ўғли уларни боқаман деб такси қилиб қимматроқ йўл кирага учиб шу ишни қилиб қўйганлигини, фарзандига қонуний ёрдам беришни сўраб, автомашинаси уни шахсий мулки эканлигини айтиб уни қайтариб беришни сўради.

Гувоҳ Ю.Хайитмирзаев судда, ҳақиқатдан ҳам у “Кесканёр” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлаб келишлигини, ҳар икки судланувчининг ҳам оилавий шароитини яхши билишлигини, ҳақиқатдан ҳам И.Дедабаевни уч нафар фарзанди ва турмуш ўртоғи ва қари меҳнатга яроқсиз онасининг ягона боқувчиси эканлигини, оиласида ундан бошқа боқувчи йўқлигини, шу кунга қадарли уни устидан шикоятлар келиб тушмаганлигини, маҳалладан ижобий тавсифланишлигини, судланувчи Н.Жўрабоев ҳам оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, отаси йўқлигини, икки нафар фарзанди ва қари онасининг ягона боқувчиси эканлигини, шахс сифатида ҳар икки судланувчи ҳам ижобий тавсифланишлигини, ҳар икки судланувчига



очиқда жазо берилса маҳалла фуқаролар йиғини буларни кафилликка олишлигини айтиб, кафолат ҳати тақдим қилди.

Судланувчи И.Дедабаев ва Н.Жўрабоевларнинг жиноят содир этганликдаги айби, юқоридагилардан ташқари жиноят ишидаги билдиргилар, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари ва фотоиловалари билан, шунингдек, “REAL BIZNES ВАНО” МЧЖнинг 2022 йил 09 февраль кунги 60-сонли баҳолаш ҳисоботига кўра, Н.Жўрабоевнинг бошқарувидаги “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинасидан олинган 8.500 қутида бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND Cherry Superslim” номли тамаки маҳсулотлари мутахассислар томонидан 96.400.000 сўмга баҳоланганлиги ҳақидаги ҳулосаси билан;

Шунингдек, “REAL BIZNES ВАНО” МЧЖнинг 2022 йил 09 февраль кунги 61-сонли баҳолаш ҳисоботига кўра, И.Дедабаевнинг бошқарувида бўлган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинасидан олинган 16.000 қути “MILANO London” номли, 1.500 қути “MILANO Tech Lok” номли тамаки маҳсулотлари мутахассислар томонидан 140.000.000 сўмга баҳоланганлиги ҳақидаги ҳулосаси билан;

Шунингдек, “NAMANGAN ВАНOLASH SERVIS” МЧЖнинг 15.02.2022 йил кунги 02/86-сонли баҳолаш ҳисоботига кўра, фуқаро А.Дедабаевага тегишли бўлган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинаси 43.637.937 сўмни ташкил қилишлиги кўрсатилганлиги ҳақидаги ҳисоботи билан;

Шунингдек, “NAMANGAN ВАНOLASH SERVIS” МЧЖнинг 15.02.2022 йил кунги 02/85-сонли баҳолаш ҳисоботига кўра, судланувчи Н.Жўрабоевга тегишли бўлган “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинаси 47.856.792 сўмни ташкил қилишлиги кўрсатилганлиги ҳақидаги ҳисоботи билан, шунингдек, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фотоиловалар, жиноят ишини бир қисмини алоҳида иш юритувга ажратиш қарори, транспорт воситаларини ашёвий далил ва жиноят қуроли деб топиш қарори, юк хати нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш қарори, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топади.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Дедабаевнинг тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан (ишни уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, ўзининг бошқарувида бўлган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинасига юклар, Уйчи тумани, Бирлашкан қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл ёқасидан умумий қиймати 140.000.000 сўмлик кўп миқдордаги 16.000 қути “MILANO London” номли, 1.500 қути “MILANO Tech Lok” номли тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш мақсадида, моддий манфаат эвазига Уйчи тумани ўрқали Чортоқ туманига етказиб бериш мақсадида олиб кетаётган зақтида, Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙ ҳудудидан ўткан ички йўлда



ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ушланиб, жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра оҳирига етказа олмаганликдан ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Жўрабоевнинг тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслар билан (ишни уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувга ажратилган) бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, умумий қиймати 96.400.000 сўмлик кўп миқдордаги 8.500 қутида бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND Cherry Superslim” номли тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш мақсадида, Уйчи тумани, Бирлашкан қишлоғи ҳудудидан ўтган темир йўл ёқасидан ўзига тегишли бўлган “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинасига юклаб, моддий манфаат эвазига Уйчи тумани орқали Чортоқ туманига етказиб бериш мақсадида олиб кетаётган вақтида, Чортоқ тумани, А.Навоий МФЙ ҳудудидан ўткан ички йўлда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳодимлари томонидан ушланиб, жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра оҳирига етказа олмаганликдан ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” бандида тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жуда кўп миқдорда содир қилинганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК саккизинчи бўлимидаги атамаларнинг ҳуқуқий маъносига кўра анча миқдор - базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор экани, шунингдек, кўп миқдор – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор экани ва жуда кўп миқдор - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор экани кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 13-моддасида қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавfli қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу



жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас деб кўрсатиб ўтилган.

2022 йил 1 июндан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида базавий ҳисоблаш миқдори 300.000 сўм этиб белгиланган.

Бундан ташқари иш ҳужжатларида, судланувчи И.Дедабаев ва Н.Жўрабоевларни бир гуруҳда олдиндан тил бириктириб, ушбу жиноятни олдиндан келишиб содир қилганлик фактини исботловчи ёки тил бириктирмасдан оддий иштирокчиликда жиноят содир қилганлиги исботловчи иш ҳужжатларида бирор бир объектив далиллар мавжуд эмас, шунингдек, уларни тил бириктирганлигини тасдиқловчи иш ҳужжатларида бирор гувоҳнинг кўсатувлари мавжуд эмаслиги, ушбу жиноят иши доирасида фақатгина судланувчилар сўроқ баённомалари ва ишда қатнашган ҳолис гувоҳлар тушунтиришлари ва сўроқлари мавжуд ҳолос ва уларнинг кўрсатувларида ҳам уларни тил бириктириб содир қилганлигини тасдиқловчи бирор бир ҳолат акс эттирилмаган, шунингдек уларнинг бир жойда ушланганлик фактини ўзи уларнинг олдиндан тил бириктириб, биргаликда содир қилган жиноятини тасдиқламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасида Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 414-моддасида судда жиноят ишини муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан ва эълон қилинган айблов бўйича олиб борилади деб кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддаси 2-қисмида қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 112-моддасида, Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб ниқилиши ва баҳоланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.



Иш ҳужжатларига ва судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи И.Дедабаев ва Н.Жўрабоевлар ҳар бири терговда қисми алоҳида иш юритувга ажратилган номаълум шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, алоҳида-алоҳида тарзда, номалум шахслар билан олдиндан тил бириктириб, алоҳида-алоҳида келишиб, бир-бирларидан беҳабар тарзда судланувчи Н.Жўрабоев кўп миқдордаги 96.400.000 сўмлик, судланувчи И.Дедабаев кўп миқдордаги 140.000.000 сўмлик тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритишга суиқасд қилганлик ҳолати, ҳозирги кунда жуда кўп миқдорни ташкил қилмайди.

Шу сабабли суд, судланувчи И.Дедабаевнинг жиноий қилмиш ҳаракатларини тергов даврида аниқлашни имкони бўлмаган шахслар билан тил бириктириб, кўп миқдордаги тамаки маҳсулотларини муомалага киритишга суиқасд қилганликда ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 186<sup>1</sup> -моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шу сабабли суд, судланувчи Н.Жўрабоевнинг жиноий қилмиш ҳаракатларини тергов даврида аниқлашни имкони бўлмаган шахслар билан тил бириктириб, кўп миқдордаги тамаки маҳсулотларини муомалага киритишга суиқасд қилганликда ифодаланган жиноий қилмиш ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 186<sup>1</sup> -моддаси 3-қисмининг “а” бандидан ЖК 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 58-моддаси 2-қисмида Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини,



балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Н.Жўрабоевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида кўрсатилган “...жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак...” деб кўрсатилган тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида қари меҳнатга лаёқатсиз онаси борлигини, опаси уч нафар фарзанди билан оиласидан ажрашиб келиб, улар ҳам уни қарамоғида эканлигини, оилада ундан бошқа боқувчи йўқлигини, Уйчи тумани “Кесканёр” маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий шароити тўғрисидаги далолатномаси ва тавсифномасини, “Кесканёр” маҳалла фуқаролар йиғинининг илтимосномаси ва кафолат хатини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қилмишда жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори тушунтиришларига амал қилиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, уни жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, иштирокчилик даражасини ва жиноятни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади деб кўрсатилган қонун нормасига таяниб, уни камиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган



қатъий хулосага келиб, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, уни гарчанд муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлсада ЖК 78-моддасига асосан судланганлик муддати тугалланганлиги ва судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлганлигини инобатга олиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи И.Дедабаевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида кўрсатилган “...жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак...” деб кўрсатилган тушунтиришларидан келиб чиқиб, унинг қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, оилада ягона боқувчилигини, қари меҳнатга лаёқатсиз пенсионер онаси борлигини, оилада ундан бошқа боқувчи йўқлигини, Уйчи тумани “Кесканёр” маҳалла фуқаролар йиғинининг оилавий шароити тўғрисидаги далолатномаси ва тавсифномасини, “Кесканёр” маҳалла фуқаролар йиғинининг илтимосномаси ва кафолат хатини жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қилмишда жазони оғирлаштирувчи ҳолат йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарори тушунтиришларига амал қилиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, уни жазосини энгиллаштирувчи ҳолатларни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, иштирокчилик даражасини ва жиноятни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 42-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади деб кўрсатилган қонун нормасига таяниб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ва тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни, унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб кўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш



тўғрисида”ги 200-сонли Қарорига илова қилинган “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандида этил спирти, (озик-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво, тамаки маҳсулотлари мажбурий тарзда йўқ қилиниши белгиланган.

Суд ҳайъати, ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил деб эътироф этилган, судланувчи И.Дедабаевдан олинган Чортоқ тумани “Боғишамол Жумабой гузари” МЧЖда сақланаётган, умумий қиймати 140.000.000 сўмлик 16.000 қути “MILANO London” номли, 1.500 қути “MILANO Tech Lok” номли тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга киргач белгиланган тартибда йўқ қилишни;

- ашёвий далил сифатида олинган судланувчи Н.Жўрабоевдан олинган Чортоқ тумани “Боғишамол Жумабой гузари” МЧЖда сақланаётган, умумий қиймати 96.400.000 сўмлик 8.500 қутида бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND Cherry Superslim” номли тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга киргач белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасида гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилади деб кўрсатиб ўтилган.

Суд ҳайъати, юқоридагиларга кўра, иш доирасида жиноят қуроли деб эътироф этилган, судланувчи Н.Жўрабоевга тегишли бўлган, ўзини номидаги Чортоқ туманида жойлашган “Зафар авто тестинг” МЧЖга сақлаш учун топширилган умумий қиймати 47.856.792 сўмга баҳоланган “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинасини давлат фойдасига мусодара қилишни лозим топади.

- шунингдек, Чортоқ туманида жойлашган “Зафар авто тестинг” МЧЖга сақлаш учун топширилган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинасини қонуний эгаси Дедабаева Азизахон Нурдиновнага қайтаришни лозим топади.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари акс эттирилган “DVD” дискларни жиноят ишига қўшилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

1) Судланувчи Жўрабоев Неъматилла Рахматиллаевичнинг қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилинсин.



Судланувчи Жўрабоев Неъматилла Рахматиллаевич Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2022 йил 10 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Судланувчи Н.Жўрабоевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қамоқда қолдирилсин.

2) Судланувчи Дедабаев Исмоил Қодировичнинг қилмиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “а” бандидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларига қайта квалификация қилинсин.

Судланувчи Дедабаев Исмоил Қодирович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,186<sup>1</sup>-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2022 йил 09 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Судланувчи И.Дедабаевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қамоқда қолдирилсин.

Ашёвий далил сифатида олинган судланувчи И.Дедабаевдан олинган Чортоқ тумани “Боғишамол Жумабой гузари” МЧЖда сақланаётган, умумий қиймати 140.000.000 сўмлик 16.000 қути “MILANO London” номли, 1.500 қути “MILANO Tech Lok” номли тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга киргач белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил сифатида олинган судланувчи Н.Жўрабоевдан олинган Чортоқ тумани “Боғишамол Жумабой гузари” МЧЖда сақланаётган, умумий қиймати 96.400.000 сўмлик 8.500 қутида бўлган “MILANO London” номли тамаки ҳамда 4.000 почкадаги “MOND Cherry Superslim” номли тамаки маҳсулотлари ҳукм қонуний кучга киргач белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Чортоқ туманида жойлашган “Зафар авто тестинг” МЧЖга сақлаш учун топширилган умумий қиймати 47.856.792 сўмга баҳоланган “Damas” русумли 50 К 484 JA давлат рақамли автомашинаси давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Чортоқ туманида жойлашган “Зафар авто тестинг” МЧЖга сақлаш учун топширилган “Damas” русумли 50 F 916 CA давлат рақамли автомашинаси қонуний эгаси Дедабаева Азизахон Нурдиновнага қайтарилсин.



Тергов ҳаракатлари акс эттирилган “DVD” диск жиноят ишига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Суд ҳайъати ҳукмидан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: имзо Э.Абдуллаев

Халқ маслаҳатчилари: имзо 1.А.Вахабов

имзо 2.К.Ишанов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

